

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc/PhD. 03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**КТАЙБЕКОВА ЗУЛФИЯ КЕНГЕСБАЕВНА**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ҚОРАҚАЛПОҚ ҲИКОЯЛАРИНИНГ  
ПОЭТИКАСИ**

**10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

<b>Ктайбекова Зулфия Кенгесбаевна</b> Мустақиллик даври қорақалпоқ ҳикояларининг поэтикаси.....	5
<b>Ктайбекова Зулфия Кенгесбаевна</b> Поэтика каракалпакских рассказов периода независимости.....	23
<b>Ktaybekova Zulfiya Kengesbaevna</b> Poetics of the Karakalpak stories in the period of Independence.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	46

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc/PhD. 03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**КТАЙБЕКОВА ЗУЛФИЯ КЕНГЕСБАЕВНА**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ҚОРАҚАЛПОҚ ҲИКОЯЛАРИНИНГ  
ПОЭТИКАСИ**

**10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil302 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгашнинг веб саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алламбергенов Кенесбай  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Оразымбетов Қуъаншбай Келимбетович  
филология фанлари доктори, профессор

Мамбетова Мехрибану Камаловна  
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «17» май соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (99861) 223-59-25, e-mail: [karsu\\_info@edy.uz](mailto:karsu_info@edy.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (22 рақам билан рўйхатга олинган.) Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел:(99861)223-59-25, факс:(99861)223-59-25; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «6» март куни тарқатилди.  
(2021 йил «6» март даги 4 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Н.Абдиназимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, Филол.ф.д., профессор

Г.Е.Карлыбаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, Филол.ф.д. (DSc)

К.К.Жаримбетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
координатори, илмий семинар раиси филол.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида ҳикоялар поэтикасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, ривожланиш йўллари, тадрижи, композицион яхлитлиги ва бадий-эстетик тамойилларини тадқиқ қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бадий адабиёт, хусусан бугунги кунги глобаллашув жараёнида инсониятни интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёш авлоднинг маънавий-маданий жиҳатдан ривожланишида ва баркамол шахс этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Миллат руҳини, айниқса, истиқлол йилларидаги халқ онгидаги ўзгариш ва туб бурилишларни тушиниб етишда ҳикояларнинг хизмати беқиёс. Шу боисдан адабиётнинг энг кичик жанрисиз бадий ғояни жозибали етказиш мумкин эмас.

Дунё адабиётшунослигида миллий адабиётни янгича нуқтай-назардан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу аснода, ҳикоя жанрининг ривожланишининг асосий тенденциялари, ғоявий-тематик хусусиятлари, сюжет қуришдаги ўзига хослик, бадий - услубий изланишларни ўрганиш борасида хулоса чиқариш имкони яратилмоқда. Халқ миллий маданиятининг ажралмас қисми бадий адабиёт ҳисобланади. Демак, ҳикоя жанрини янгича бадий тафаккур мезонлари билан илмий тадқиқ этиш миллий реалистик адабиётнинг етакчи тамойилларини аниқлашда катта имкон яратади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, ижтимоий-сиёсий, маданий турмушимизнинг барча соҳаларида, шу жумладан, миллий адабиётимизнинг такомиллашишида туб ўзгаришлар асосида, адабиётда эркин фикрлайдиган, соғлом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Яъни, «адабиёт ва бадий санъатга, маданиятга эътибор – бу, энг аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор»<sup>1</sup> бўлиб, адабиёт ва маданият, бадий санъат, айниқса, ёшларнинг маънавий комилликка эришишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Жамиятимизда демократик йўналиш мустаҳкамланаётган ҳозирги даврда бадий адабиётнинг, жумладан, ҳикоячиликнинг асосий бадий-эстетик хизмати комил инсонни тарбиялаш, эркин фикрловчи ёш авлодни вояга етказиш, юртимизда юз бераётган ўзгаришларни эркин тараннум қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрь, 2018 йил 28 декабрь, 2020 йил 24 январьдаги Олий Мажлисга мурожаатномалари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февральдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. 4 август, 153 (6847)-сон.

тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрельдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрьдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2018 йил 5 апрельдаги ПҚ 3652-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 7 июньдаги ПҚ 4354-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илмий тафаккур оламида Аристотель, М.М.Бахтин, Л.Тимофеев, А.Потебня, Г.Поспелов, Б.Ф.Томашевский, В.Е.Хализев, М.В.Кудрина<sup>2</sup> каби олимларнинг фалсафий, адабиёт назарияси ва эстетикага оид ижодларидаги фундаменталь дунёқарашлар, бадиий асар таҳлили, ҳикоя жанри ва унинг асосий хусусиятлари ҳақидаги фикрлари эътиборга моликдир.

Туркий халқлар адабиётшунослигида сўнгги даврдаги ҳикояларнинг ғоявий-мавзувий йўналишлари, жанрнинг поэтикаси, услубий хусусиятлари, сюжет тузиш ва бадиий тил масалалари бўйича илмий ишлар юритилган<sup>3</sup>,

<sup>2</sup> Аристотел. Поэтика. – Ташкент: Изд-во лит. и искусства, 1980. – 149 с.; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Художественная литература, 1975. – 502 с.; Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1990. – 344 с.; Поспелов Г. Введение в литературоведение. – Москва: Высшая школа, 1988. – 528 с.; Томашевский В.Ф. Теория литературы. Поэтика. – Москва: Аспект Пресс, 1999. – 334 с.; Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 2002. – 397 с.; Кудрина М.В. Жанровая структура рассказа: Автореф. дис... докт. филол. наук. – Москва, 2003.

<sup>3</sup> Кебекова Б. Пути развития киргизского советского рассказа: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Фрунзе, 1964; Балтабаева Г. Қазіргі қазақ әңгімелері (1980-1990 жж): Филол. ғыл. канд. ...автореф: - Алматы, 1999; Смағұлова Н. Қ. Қазіргі қазақ әңгімелеріндегі тартыс табиғаты: Филол. ғыл. канд. ....дис. – Астана, 2007. – 146 б.; Худайбергенов Н. Қазіргі қазақ прозасындағы жалпыадамлық қундылықтар (1991-2016): Филос. д-ры (PhD)... дис. – Алматы, 2020. – 164 б.; Дўсмұхаммедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши. (80 йилларнинг иккинчи ярми ва 90 йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол.фан.ном....дис. – Тошкент, 1995. – 136 б.; Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги: филол. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1999. – 130 б.; Сагторова Г. 90 йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси: Филол. фан. ном. ... дис... – Тошкент, 2002. – 136 б.; Камилова С. XX аср охири – XXI аср бошлари рус ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри поэтикасининг ривожини: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 2016; Кенжаева П. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида қаҳрамон руҳиятини тасвирлаш тамойиллари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008; Матякупов С. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида инсон концепцияси ва шахс бадиий талқини: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006; Сопиева Ш. Хайридин Султоннинг ҳикоянавислик маҳорати: Филол. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2006. – 147 б.; Хақимова С.Г. Проза Фаниса Яруллина: Дис. ... канд. филол. наук. – Казань, 2004. – 190 с.; Гайфиева Г.Р. Поэтика жанра рассказа в Татарской прозе конца XX - начала XXI веков: Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Казань, 2010; Шарипова У.Р. Жанр рассказа в современной таджикской литературе (конец XX - начало XXI века): Дис. ...канд. филол. наук. – Душанбе, 2016. -184 с.; Абдуллина А.Ш. Поэтика

қорақалпоқ адабиётшуносларидан М.Нурмухамедов, С.Ахметов, Ж.Наримбетов, Қ.Камалов, С.Баҳадирова, П.Нуржанов, Қ.Оразимбетов, З.Бекбергенова, А.Қожикбаев, Ж.Есенов, А.Аманова, Ж.Сагидуллаева<sup>4</sup> каби муаллифларнинг илмий ишларида насримизнинг ҳар хил муаммолари матнда, шунингдек, истиқлолгача ҳикоя жанрининг баъзи масалаларига боғлиқ бир қанча тадқиқотлар ўрин олган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди ва қорақалпоқ адабиёти тарихи», «Ҳозирги давр филология назарияси ва методикасининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мустақиллик давридаги қорақалпоқ ҳикояларининг ғоявий-тематик йўналишлари, сюжет тузишдаги изланишлари, бадиий тил хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қорақалпоқ адабиётида истиқлол даври ҳикоячилигининг ғоявий-тематик, жанр хусусиятлари, характер ва конфликт яратилган бадиий изланишлари очиқ бериш;

мустақиллик даври қорақалпоқ ҳикояшунослигида сюжет структураси хусусиятларини аниқлаш;

ҳикоя жанридаги сюжет қуриш тамойиллари ва типларини аниқлаш, ижодкорларнинг индивидуал услубини белгилаш;

қорақалпоқ ҳикоячилигининг асосий ғоявий йўналишлари илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш;

ҳикояларда баён усуллари, детал, лирик вазият, бадиий тасвирлаш воситаларининг функционал хизматини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1990 йиллардан бугунги кунга қадар яратилган қорақалпоқ ҳикоялари танлаб олинган.

---

современный башкирский прозы: Автореф.дис...докт.филол.наук. – Москва, 2009; Турдиева О.З. Ҳозирги замон эрон ҳикоянавислигининг ғоявий-эстетик хусусиятлари ва жанр динамикаси: Филол. фан. докт. ... дис.автореф. – Тошкент, 2016; Ҳасанова Б. Асқад Мухторнинг ҳикоянавислик маҳорати: Филол. фан. фалс. д-ри... (PhD) дис. автореф. – Фарғона, 2018; Ҳамраев К. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида композиция поэтикаси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2018; Қаюмов А. Ҳозирги ўзбек насрида миллий характер ва бадиий маҳорат (Ўткир Хошимов ва Наби Жалолiddин ҳикоялари мисолида): Филол. фан. фалс. д-ри... (PhD) дис. автореф. – Ферғона, 2018.

<sup>4</sup> Нурмухамедов М. Пути развития каракалпакской советской прозы: Автореф. дис.... докт. филол. наук. – Ташкент, 1965; Ахметов С. Қарақалпақ әдебий сыны. – Нөкис: Билим, 1993. – 296 б.; Нарымбетов Ж. Каракалпакский роман. – Ташкент: Фан, 1974. – 128 с.; Камалов Қ. Қарақалпақ повести (жанрдың эволюциясы). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1978. – 108 б.; Баҳадирова С. Современный каракалпакский рассказ (1957-1967 гг): Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Нукус, 1970; Нуржанов П. Қорақалпоқ романи поэтикаси (сюжет ва композиция) (1970-2000 йй.): Филол. фан. д-ри ... (DSc) дис. автореф. – Нукус, 2020; Оразимбетов Қ. Таңламалы шығармалар топламы. Еки томлық.– Нөкис: Билим, 2018. – Т. II. –384 б.; Бекбергенова З. Қорақалпоқ романларида бадиий нутқ поэтикаси (1980-2010 йиллар): Филол. фан. д-ри (DSc) ... дис. автореф. – Нукус, 2017; Қожықбаев Ә. Қарақалпақ романы (конфликт хәм қаҳарман). – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. ; Есенов Ж. Шеберликтин сырлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986. – 100 б.; Аманова А. Каракалпакский рассказ 30-х – первый половины 50-х-годов. (Вопросы типологии и поэтики): Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Москва, 1993; Сагидуллаева Ж. Қорақалпоқ қиссаларида услубий изланишлар (1980 йиллар қиссалари мисолида): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Нукус, 2010.

**Тадқиқотнинг предметини** мустақиллик даври қорақалпоқ ҳикояларининг поэтик хусусиятларини аниқлаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ҳамда бадиий-эстетик, структуравий таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ адабиётида истиқлол даври ҳикоячилигининг ғоявий-тематик, жанр хусусиятлари, характер ва конфликт яратишдаги бадиий изланишлари очиб берилган;

истиқлол даври қорақалпоқ ҳикояшунослигида хроникал сюжет, концентрик сюжет ва ретроспектив сюжет структураси хусусиятлари аниқланган;

қорақалпоқ ҳикояларида ўз шахсий фикри, сўз эркинлигига эга бўлган янги давр инсон қиёфаси, онгининг шаклланиш ва ривожланиши истиқлол даврига хос ўзгариши аниқланган, бадиий психологик характерга эга қаҳрамонларнинг юзага келиши илмий далилланган;

ҳозирги замон ҳикоячилигидаги асосий ғоявий йўналишлари, шаклий ва услубий, поэтик хусусиятлари, бадиий тасвирлашнинг ўзига хослиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

ҳикоя жанрида бадиий воситалар эпитет, ўхшатиш, метафора ва рамз, муаллиф ва ҳикоянавис образи, лирик вазият ва бадиий деталнинг функционал хусусиятлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳозирги давр ёзувчиларининг ҳикоя жанридаги бадиий маҳоратига боғлиқ масалалар исботланган;

ҳикоя жанрининг поэтик қонуниятлари, давр руҳи билан ижодкор маҳоратининг боғлиқлиги очиб берилган;

қаҳрамоннинг портрети, бадиий детал, эпизод, бадиий воситалар орқали гавдаланиши аниқланган;

истиқлол даври ҳикояларида миллий қаҳрамон образининг яратилиши таниқли ёзувчиларнинг ижодидан олинган мисоллар асосида акс эттирилган;

қорақалпоқ насрида истиқлол даври ҳикояларининг ўрнини белгилаш орқали шу даврдаги ҳикояларнинг тараққиёт йўналишлари, ҳаёт ҳақиқатини тасвирлаш усуллариининг такомиллашиш масалалари, сюжет яратишдаги ўзига хосликлари очиб берилиши орқали умуман ҳикоя жанрининг алоҳида бадиий-эстетик ҳодиса эканлиги далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ва бадиий манбалардан олингани, илмий хулосалар қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадиий-эстетик, структурал таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий мушоҳада ва таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳикоя жанрининг поэтик масалалари тўғрисидаги назарий қарашларни



тўлдириш, ҳикоялар поэтикаси хусусиятларини назарий аспектда очиб бериш, қорақалпоқ ҳикоячилигининг ғоявий-тематик, жанр, сюжет структураси ва бадиий тасвирлашнинг функционал хизматини аниқлаш, ҳикоячилик жанри ривожланиш қонуниятлари бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари учун муайян назарий манба вазифасини бажаришида намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида «Қорақалпоқ адабиёти тарихи», «Мустақиллик давр қорақалпоқ адабиёти», «Ҳозирги адабий жараён», «Адабиёт назарияси» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма ва рисоалар яратиш ҳамда тўлдиришда, маъруза матнларини янгилашда, ихтисослик фанларидан махсус курс ва семинар машғулотлари ўтказишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мустақиллик даври қорақалпоқ ҳикояларининг поэтикасини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қорақалпоқ ёзувчиларининг ҳикоялари, ҳикоя яратишдаги бадиий маҳорати, сюжет куриш структураси ва поэтикаси бўйича тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ФА-0-43429 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини ўрганиш» ҳамда ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаларида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 11 ноябрдаги 238/1-сон маълумотномаси). Натижада мазкур хулосалар ҳикоя жанрининг назарий тавсиф ва тамойилларини ёритишда ҳамда асар бадииятининг ифодаланиши масалаларини талқин қилиш билан боғлиқ тадқиқотларни амалга оширишга асос бўлган;

истиклол давридаги ҳикоя жанри ривожининг асосий тенденциялари, қорақалпоқ ёзувчиларининг ҳикоя яратиш маҳорати, ҳикояларнинг ғоявий-тематик, жанр хусусиятлари, характер ва конфликт яратиш масалалари ҳақидаги илмий-назарий хулосалар Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва Маданияти давлат музейида қорақалпоқ адиблари ҳаёти ва адабий мерослари бўйича ташкил этилган экспозицияларни мазмунан бойитишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва Маданияти давлат музейининг 2020 йил 10 ноябрдаги 209-сон маълумотномаси). Натижада қатор қорақалпоқ ёзувчиларининг адабий муҳитдаги ўрни, ҳикоя жанрининг асосий тенденциялари, ҳикоя яратишдаги бадиий маҳорат, миллий қахрамон образининг комил инсон тарбиясидаги роли ва аҳамиятини очиб бериш имконияти яратилган;

тадқиқот материалидаги қорақалпоқ ҳикояларининг бугунги адабиётдаги ўрни ва хизмати тўғрисидаги илмий хулосалар Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Адабиёт бўстони», «Адабиёт ва давр», «Мерос», «Адабий портрет» маданий-маърифий эшиттиришларида фойдаланилган

(Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2020 йил 12 ноябрьдаги 01-02/222-сон маълумотномаси). Натижада, теледастур ва радиоэшиттиришларнинг илмий маълумотларга бой бўлиши ва ёзувчилар ижодининг кенг тарғиб этилиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 16 та илмий анжуман, жумладан, 8 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳам да 5 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 163 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Истиқлол даври ҳикоя жанри ривожланишининг асосий тенденциялари**» деб номланган биринчи бобнинг биринчи фасли «**Истиқлол даври ҳикояларининг ғоявий-тематик хусусиятлари**» масаласига бағишланган.

Истиқлол давридаги қорақалпоқ насрида ҳозирги замоннинг долзарб масалаларини тасвирлайдиган асарлар, айниқса, оператив жанр бўлган ҳикояларнинг ғоявий-тематик жиҳатдан ривожланишини кўриш мумкин. Ушбу давр қорақалпоқ ҳикояларининг бош мавзуси комил инсон образини яратиш, инсон ва жамият, инсон ва тақдир, инсондаги фазилатлар билан қусурлар каби ва ҳ. масалаларга асосий мавзуга айланади. Бу даврдаги ҳикояларда инсоннинг тирикчилик ҳақидаги ғалвалари, ҳаётнинг қарама-қаршиликли йўллари, бола-чақа боқиш йўлидаги интилишлари, оила ҳамжиҳатлигида аёлнинг ўрни, ота-онанинг бағрикенглиги, муҳаббат йўлида адашган хотин-қизлар тақдири, фарзанд тарбияси масалалари, болаликдаги бемаъни ҳатти-ҳаракатлар, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш, имон-инсоф, ҳақиқатгўйлик ва ҳ.к. кўпгина муаммолар ўртага ташланиб, ҳар бир ижодкор ҳикоясида сюжети хилма-хиллигини таъминлайди. Бу давр ҳикоячилигининг ўзига хосликлари П.Алламбергенова ва И.Ўтеўлиевларнинг

танқидий мақолаларида ҳам кўрсатилган ва ҳикоялар тематик жиҳатдан таснифланган.<sup>5</sup>

Истиқлол давридаги қорақалпоқ ҳикояларининг асосий тенденцияларини белгилашда Г.Есемуратова<sup>6</sup>, К.Смамутов<sup>7</sup>, А.Атажанов<sup>8</sup>, К.Алламбергенов<sup>9</sup>, Я.Ажимов<sup>10</sup>, М.Низанов<sup>11</sup>, С.Жумағулов<sup>12</sup>, К.Ерназаров<sup>13</sup>, Г.Турсинова<sup>14</sup>, Ў.Ўтеўлиев<sup>15</sup>, Д.Шерниязова<sup>16</sup>, М.Таўмуратов<sup>17</sup>, А.Абдиев<sup>18</sup>, Ҳ.Ўтемуратова<sup>19</sup>, А.Бекбергенова<sup>20</sup>, Н.Жангабаева<sup>21</sup>, Д.Есебаев<sup>22</sup> ва шу каби ёзувчиларнинг асарлари таҳлил этилди.

Ҳикоя жанрининг истиқлол давридаги тараққиёт йўналишларини таҳлил қилиб, уларни қуйидаги мавзуларга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Давр ҳақиқатини, турмуш ва ҳаётнинг ҳар хил муаммоларини тасвирлашга бағишланган ҳикоялар;

2. Туғилган жой ва она Ватан мавзуси акс эттирилган ҳикоялар;

3. Одоб-икромлилик, юксак инсонийлик, комил инсон образини тасвирлашга бағишланган ҳикоялар;

4. Муҳаббат мавзусига бағишланган ҳикоялар: ишқ-муҳаббат, вафодор ёр, фарзанд доғи, ҳижрон азоблари, жудолик дардлари ва ҳ.к.;

<sup>5</sup> Алламбергенова П. Терең идеялы, көркем гүрриңлер керек. // Эмиўдэрья. – Нөкис, 1991. - №10. – Б. 78. Өтеўлиев И. Жан даўысы. Илимий-изертлеў. – Нөкис: Билим, 1993. – Б. 133; Ўша муаллиф. Гүрриң жанрының мүмкиншиликлери // Арал. – Нөкис, 1993. - №2-3. – Б. 83-84.

<sup>6</sup> Есемуратова Г. Мен жаман баламан / Қарақалпақстан жаслары. – Нөкис, 1998. 16-апрель. - № 5; Ўша муаллиф. Бахытлы бола алар ма екенмен?! / Қарақалпақстан жаслары. – Нөкис, 2002. 7-февраль. - №6; Ўша муаллиф. Нан услап ант ишпең / Устаз жолы. – Нөкис, 2002. 7-март; Ўша муаллиф. Шығармалары. – Нөкис: Билим, 1997. – Т. II. – 328 б.; Ўша муаллиф. Бэри өмир ҳақкында. – Нөкис: Билим, 1997. -180 б.

<sup>7</sup> Смамутов К. Келинимниң пэк муҳаббаты / Еркин Қарақалпақстан. – Нөкис, 2002. 6-июнь. - № 68.

<sup>8</sup> Атажанов Ә. Машқала. Повесть хэм гүрриңлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – 304 б.; Ўша муаллиф. Жийде жегиң келе ме? Гүрриңлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997. – 132 б.; Ўша муаллиф. Қуйын. – Нөкис: Билим, 2011. – 88 б.

<sup>9</sup> Алламбергенов К. Өмир мәўритлери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1991. – 240 б.; Ўша муаллиф. Қуслар қайтқан күн. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995. – 120 б.

<sup>10</sup> Ажимов Я. Ақ қуўлар атаўы. Гүрриңлер, ертеклер хэм болған ўақыялар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1994. – 96 б.

<sup>11</sup> Низанов М. Жақында қызык болады. Сатиралық гүрриңлер. – Ташкент: Ёзувчи, 1999. – 86 б.

<sup>12</sup> Жумағулов С. Бир қысым топырақ. Повестлер хэм гүрриңлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. – 58 б.; Ўша муаллиф. Туғлидиң нэли. Повесть хэм гүрриңлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1987. – 115 б.

<sup>13</sup> Ерназаров К. Сақал. Юмор-сатиралық гүрриңлер хэм новеллалар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1994. – 116 б.

<sup>14</sup> Турсинова Г. Аңызға айланған аўылым. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1996. – 48 б.; Ўша муаллиф. Ақсақал /Еркин Қарақалпақстан, –Нөкис, 1997, 12-август; Ўша муаллиф. Гүнакар / Еркин Қарақалпақстан, – Нөкис, 1993, 30-январь.

<sup>15</sup> Өтеўлиев Ө. Қызыл көйлекли қыз. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1991. – 120 б.

<sup>16</sup> Шерниязова Д. Кептерлер қайтып келеди. Балаларға арналған гүрриңлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1996. –40 б.

<sup>17</sup> Таўмуратов М. Ертең шығамыз таўға... Повесть хэм гүрриңлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1990. – 92 б.

<sup>18</sup> Абдиев А. Руўхый азап // Эмиўдэрья. – Нөкис, 1990. -№9. – Б. 48-49; Ўша муаллиф. Несийбе // Эмиўдэрья. – Нөкис, 2002. - №5. – Б. 27-29; Ўша муаллиф. Эльза ханым. – Нөкис: Билим, 2008. – Б. 91; Ўша муаллиф. Бизлер бахытлы боламыз. Гүрриңлер. – Нөкис: 1992, - 88 б.; Ўша муаллиф. Қызыл қошантай. Гүрриңлер хэм ертеклер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995. – 52 б.; Ўша муаллиф. Сақаў герен / Еркин Қарақалпақстан. – Нөкис, 2002, 19-январь.

<sup>19</sup> Өтемуратова Ҳ. XX эсирдин рыцары // Эмиўдэрья. – Нөкис, 1990. - №3. –Б.57-69; Ўша муаллиф. Дийўана / Қарақалпақстан жаслары. – Нөкис, 1991, 21-июнь; Ўша муаллиф. Адамның зэхэри / Қарақалпақстан жаслары. – Нөкис, 1993, 9-октябрь; Ўша муаллиф. Ҳаялдың кийеси / Еркин Қарақалпақстан. – Нөкис, 2002, 16-февраль.

<sup>20</sup> Бекбергенова А. Жазықсыз гүллер // Эмиўдэрья. – Нөкис, 1992. - № 2. –Б.24-27.

<sup>21</sup> Жаңабаева Н. Малақай // Эмиўдэрья. – Нөкис, 1991. - №3. –Б.84-86.

<sup>22</sup> Есебаев Д. Тышқан тесиги мың теңге. Повесть хэм гүрриңлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2014. – 100 б.

5. Иккинчи жаҳон урушининг оғир оқибатларини ифодалаган ҳикоялар;

6. Сатирик, рамзий ва афсонавий йўналишдаги ҳикоялар;

7. Тарихий, автобиографик, йўналишдаги ҳикоялар.

Истиқлол давридаги қорақалпоқ ҳикоялари мавзу жиҳатдан ранг-баранг ва давр руҳини тараннум қилган ҳолда ёзилганлиги, бадиий эстетик савиясининг юқорилиги билан кўзга ташланади.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими «**Истиқлол даври ҳикояларида характер ва конфликт**» деб номланган. Бу даврдаги қорақалпоқ ҳикоялари истиқлол ғояларининг ҳар хил хусусиятларини тасвирлаш жиҳатидан бир-биридан ажралиб, характерларни яратиш ва зиддиятларни келтириб чиқариш бўйича олдинги даврдан катта фарқ қилиши ўрганилган. Бу даврда ҳикоя жанрини ривожлантиришга улуш қўшган ёзувчиларимиздан Г.Есемуратова, А.Атажанов, К.Алламбергенов, М.Низанов, Ў.Ембергенов, Ў.Ўтеўлиев, А.Абдиев, К.Смамутов, Ҳ.Ўтемуратова, Я.Ажимов, М.Таўмуратовларни таъкидлаб ўтиш лозим. Улар ҳикояни рангбаранг ғоявий-мавзувий, жанр-услубий нуқтаи назардан ривожлантириш йўлида маълум даражада хизмат қилган ёзувчиларимиздир.

Зиддиятсиз бирон-бир асар юзага келмайди. Зиддият характерларни келтириб чиқаради, бу эса ёзувчининг ҳаёт ҳақиқатини қандай тасвирлашида намоён бўлади. Кундаликли маиший кечинмалар ҳар хил зиддиятларни келтириб чиқариш орқали ўқувчига етказилади. Ҳар қандай инсон қайси халқ вакили, қандай менталитет белгиларига эга, буларнинг барчаси унинг характерида ўз аксини топади. Биринчидан, қаҳрамон образида миллий характер, халқнинг асрлар давомида жамланган энг яхши таасуротлари, мақсад-истаклари, идеалларининг прогрессив йўналишдаги кўринишлари кўзга ташланади. Иккинчидан, умумхалқ миллий хусусиятлари билан анъана, урф-одатларини, миллий хусусиятларининг, хулқ-атвори шаклларининг турғунлашган белгилари бадиий образни яратишда ёзувчи томонидан, албатта, ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам халқ фалсафасидаги яхшилик ва ёмонликдан, ҳалоллик ва нопокликнинг, инсонийлик ва нокасликнинг ўзаро тортишуви, мана шулардан келиб чиқадиган хулоса бадиий характерни яратишда муаллиф томонидан ҳисобга олинади.

Истиқлол даври қорақалпоқ ҳикоячилигида ёзувчиларимиз мана шу йўналишда халқимиз бошидан ўтган муҳим воқеаларни, тарихий ходисаларни, турмушнинг аччиқ ҳақиқатини очиб бериш йўлида изланмоқда.

Истиқлол даври қорақалпоқ адабиётида ҳикоя жанри характерларни юзага чиқариш, келишмовчиликларни маҳорат билан тасвирлаш, ривожлантириш хусусиятлари жиҳатидан бир қанча даражада илгариланганлигини ва бунда бир қанча ёзувчиларнинг бадиий маҳорати муҳим рол ўйнаганлигининг, умуман асарлари таҳлил қилинган баъзи муаллифларнинг ўзлариёқ насримизда ҳикоя жанрининг олдингига ўхшамаган йўналишда ривожланаётганлигини далиллайди. Бу эса ўз навбатида ҳикоя жанрининг тараққий этаётганлигини, шу боис адабиётга

давр руҳини, замона зайли ва ҳаёт ташвишларини тасвирлайдиган тенденцияларнинг кучайиб бораётганлигини кўрсатади.

Биринчи бобнинг «**Ҳозирги қорақалпоқ ҳикоясининг жанр хусусиятлари**» деб номланган учинчи бўлимида истиқлол йилларидаги қорақалпоқ ҳикояларининг жанр жиҳатдан ҳар томонлама ривожланиб бориши тўғрисида сўз юритилган. Мустақилликнинг биринчи ўн йиллигиданоқ қорақалпоқ адабиётида жанр ривожининг ҳар хил йўналишларини, шаклларини, усулларини кўришимиз мумкин. Бу жанр шу даврдан бошлаган олдингига ўхшамаган ривожланиш йўлини эгаллай бошлади. Натижада, 1990 йиллар давомида ҳаёт ҳақиқатини реалистик жиҳатдан акс эттириш имкониятига эга ҳикоялар вужудга кела бошлади. Мана шу жиҳатдан Г.Есемуратова, А.Атажанов, А.Халмуратов, Ҳ.Ўтемуратова, М.Таўмуратов ва ҳ.к. ҳикоялари диққатга сазовордир. Шу даврларда жанр ва услубий жиҳатдан ўзига хос ҳикоялар пайдо бўлди.

Қорақалпоқ адабиётида 1990 йиллардаги ҳикоя жанрининг ривожланиш босқичларини тадқиқ қилганимизда, унда сатирик-ҳажвий ва рамзий ҳикояларнинг анча кўп пайдо бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунга М.Низановнинг «Сизга бўлмайди», «Одам кулдиргани учун», «Ростини айтсанг уради», «Одамни ғийбат қилсанг зеҳнинг очилади», «Яқинда қизик бўлади» каби бир неча тўпламларини таъкидлаб келтириш мумкин. Бунга кўшимча С.Жумагулов, К.Ерназаровларнинг тўпламлари мисол бўла олади. Шунингдек, С.Исмаилов ва А.Абдиев ижодида фантастик ҳикоя (масалан, «Арвоҳли одам» фантастик ҳикояси) юзага келди. Я.Ажимовнинг «Оққушлар макони ёки қушлар подшоси ҳақида эртак», А.Абдиевнинг ижодида ҳикоя-афсона («Мажнунтол ва Қуёш», «Она сути»), Ў.Ембергеновнинг ҳикоя-хат («Омонат») <sup>23</sup>, ҳикоя-монолог ижод намуналари пайдо бўлди.

Ёзувчи М.Низановнинг «Анипа» ҳикояси <sup>24</sup> ҳикоя-диалогнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Бунда бошидан-охиригача диалоглар берилиб, ушбу диалоглар орқали характер очилади ва асосий ғоя юзага чиқади. Я.Ажимов ижодида ҳикоя-эртак жанри вужудга кела бошлади. Унинг «Оққушлар макони ёки қушлар подшоси ҳақида эртак», «Денгизни тўлдирган эгизак ботирлар» ҳикоя-эртаклари халқ эртаклари сюжети асосида ёзилган. <sup>25</sup>

Умуман олганда, оғзаки адабиётдаги афсона, эртак, тимсол каби қисқа асарлар булоғи фольклор ва классик адабиётдаги эпик асарларда келтирилган мана шундай мотивлар бадиий эртакларнинг ёки эртак- ҳикояларнинг, умуман юқоридагидек – ҳикоя шаклларининг дастлабки пайдо бўлиш илдизлари саналади <sup>26</sup>. Бугунги кунда қорақалпоқ ҳикоялари бутунлай янги ғоявий – мавзувий йўналишда, жанр-услубий хусусиятларга эга ҳолда ривожланмоқда. Ҳикоянинг эпик жанрлар тизимидаги ўрни бугунги кунда

<sup>23</sup> Ембергенов Ө. Наўрыздың ақша қары. Повесть хэм гүрриңлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1990. – Б.132.

<sup>24</sup> Низанов М. Жакында кызык болады. Сатиралык гүрриңлер. –Ташкент: Ёзувчи, 1999. – Б. 5-7.

<sup>25</sup> Ажимов Я. Ақ куўлар атаўы. Гүрриңлер, ертеклер хэм болған ўакыялар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1994. – Б. 96.

<sup>26</sup> Алимов С. Становление и развитие жанра литературной сказки в узбекской советской литературе: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 20 с.

анча такомиллашди. Бу каби белгилар, жанр поэтикасидаги ютуқ, муаллифларнинг моҳирликка бўлган изланишларига боғлиқ пайдо бўлмокда. Бу хусусиятларни янада чуқурроқ тадқиқ қилиш катта амалий ва илмий хулосалар келтириб чиқариши табиий.

Иккинчи боб «**Истиқлол даври ҳикоя жанрида сюжет қуриш хусусиятлари**» деб номланади. Истиқлол даври қорақалпоқ насрига катта янгиликлар олиб келди. Бу даврдаги қорақалпоқ ҳикоялардаги сюжет тузилиши таҳлил этилиб, унинг хроникал, концентрик, ретроспектив сюжет каби типлари аниқланди ва сюжет типлари хусусиятларига кўра уч фаслга ажратилиб ўрганилди.

1990 йилларга келиб насримизда мемуар, автобиографик сифатга эга ҳикоялар муҳим ўринни эгаллай бошлади. Бу йўналишдаги ҳикояларнинг асосан хроникал сюжетга қурилиши аниқ. Чунки бундай ҳикояларда қадимдан келаётган анъанавий сюжет сақланади. Уларда воқеаларнинг кетма-кет баён қилинишига қатъи эътибор берилади. Бунга миллий ҳикоялар жанримизнинг остонасида турган Н.Давқараев, Ж.Аймурзаев, К.Султанов, И.Юсуповларнинг ҳикоялари мисол бўла олади. Бул масалалар иккинчи бобнинг «**Хроникал сюжет**» деб номланган биринчи бўлимида тадқиқ этилди. Айрим ҳолларда бутун маиший материалларни ёлғиз сюжет йўналишига боғламай, уларни хронологик тартибда кичик-кичик кўринишлар асосида бериш мумкин. Сюжетнинг ушбу турида яратилса, хроникал сюжет деб номланади.<sup>27</sup> Хроникал сюжетда воқеалар орасидаги вақт муносабати етакчилик қилса, концентрик сюжет воқеалари орасида сабаб-натига муносабати етакчилик қилади.<sup>28</sup>

Бадиий асар учун сюжетнинг типини танлаш ёзувчининг ижодкорлик маҳорати билан чамбарчас боғлиқ. Бунда, энг асосийси, ёзувчининг изланувчанлиги, маҳорати, воқеа ва ҳодисаларни баён қилишдаги ихчамлик, сўзларни қисқа, образли эмоционал-экспрессив жиҳатдан таъсирчан шаклда қўлланиши асосий ўринни эгаллайди. Г.Есемуратовнинг «Хангомадан хангома туғилиб...», «Ўтган ишга ўкинма! деган билан...», «Бахтли бўла олармиканман?!», «Шу Таня қайда экан?», А.Халмуратовнинг «Ҳасан», П.Айтмуратовнинг «Туғилган ер», С.Жумағуловнинг «Бир ҳовуч тупроқ», Ў.Ембергеновнинг «Бир чимдим туз», «Полвонлар», «Ўтин кўмак», А.Атажановнинг «Ой мўралайди», «Кийиклар», Ғ.Сейтназаровнинг «Ёлғиз отлиғ», А.Абдиевнинг «Насиба», Д.Есебаевнинг «Тайганинг оқ тунида» номли ҳикоялари хроникал сюжет йўналишида яратилган ҳикоялардир.

Ҳозирги қорақалпоқ ҳикояси баён қилиш поэтикасида хроникал сюжет маълум ўринни эгаллайди. Сюжетнинг бу типи ҳикоя жанри ҳажмининг бир қанча катталашишига, шу орқали воқеа ва ҳодисаларнинг, табиат кўринишларининг, инсоннинг, ҳаттоки, ҳайвонларнинг ҳам кимирашларининг деталлаштирилиб берилишига имконият яратади.

<sup>27</sup> Шукуров Н., Ҳотамов Н., Холматов Ш., Махмудов М. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 86.

<sup>28</sup> Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. –Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti, 2004. – B. 103.

Иккинчи бобнинг «**Концентрик сюжет**» деб номланган иккинчи бўлимида концентрик сюжет воқеалари бир асосий воқеа атрофида айланиши билан характерланиши таъкидлаб ўтилади. Хроникал сюжет хусусияти – бунда воқеаларнинг етакчилиги сезилади. Концентрик сюжет зиддият асосида тез суръат билан ривожланишини, унинг ечимга қараб интилишини талаб этади.<sup>29</sup> Хроникал сюжет воқеалари орасида сабаб-натижа (олдин юз берган воқеага маълум даражада сабаб бўлади) муносабати, концентрик сюжет воқеалари орасида вақт (натижа сабабдан кейин келади) муносабати кўзга ташланади.<sup>30</sup> Адабиёт тарихида, ана шундай бадиий сюжетлар ҳам учрайди: улар шу даражада кучли ва кескин драматизмга қурилган бўладики, натижада сюжет элементлари (экспозиция, тугун, воқеанинг ривож, кульминация, ечим)ни бир-биридан ажратиш қийин. Сюжетнинг бундай типни фанда «концентрик сюжет» деб юритилади.<sup>31</sup>

Концентрик сюжет асосида Г.Есемуратовнинг «Норасида»<sup>32</sup>, К.Смамутовнинг «Келинимнинг пок муҳаббати»<sup>33</sup>, О.Ембергеновнинг «Омонат», М.Низановнинг «Яқинда қизиқ бўлади», «Таниш-билишчилик»<sup>34</sup>, «Дингакдаги донишманд»<sup>35</sup>, «Анипа»<sup>36</sup>, Д.Есебаевнинг «Хавотирли таваккал»<sup>37</sup> ҳикояларида кетма-кет сюжет йўналишида ривожланади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қорақалпоқ ҳикоячилигида ёзувчиларнинг сюжет қуриш хусусиятлари, айниқса, концентрик сюжетга қурилган асарларни янада чуқурроқ тадқиқ қилиш қорақалпоқ адабиётида ўз илмий ечимини кутган масалалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи бобнинг «**Ретроспектив сюжет**» деб номланган учинчи бўлимида қорақалпоқ насрининг, жумладан, ҳикоя жанрининг сўнгги истиқлол йилларидаги ривожиди кенг имкониятларга эга эканлиги кўзга ташланади. Бунда ҳикояларда сюжет ва зиддиятларнинг ўзига хос хусусиятлари билан намоён бўлиши, давр руҳини жуда чуқур ифодалашга қаратилган воқеаларнинг жуда ихчам тасвирлаб етказилиши, озгина чигал кўринишларда инсон характерининг жуда кенг очиб берилиши, ички психологик ҳолат, куюниш ва севинчларнинг ўзига хос тарзда, вақт йўналишига мос, мисли кўрилмаган тезликлар билан, катта бурилишлар орқали одам онгига, тафаккурига бирдан қилинган ҳайрон қоларлик ўзгаришлар асосида кўрсатилиб тасвирланиши билан фарқланади. Бундай тасвирлаш усуллари – ретроспектив сюжет (тасодифан сюжет) ёки тўсатдан бўлган воқеаларнинг бирдан тасвирланиши, ёки инсон тақдиридаги психологик бурилишлар, унинг ички туйғуларидаги ўзгаришларнинг юзага

<sup>29</sup> Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. –Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti, 2004. – В. 103.

<sup>30</sup> Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғат. – Тошкент: Академнашр, 2013. - Б. 291.

<sup>31</sup> Бобаев Т. Адабиётшунослик асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 2002. –Б. 123.

<sup>32</sup> Есемуратова Г. Шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997. – Т. II. – Б. 263.

<sup>33</sup> Смамутов К. Келинимнің пәк муҳаббаты. / Еркин Қарақалпақстан. – Нөкис, 2002, 6-июнь. - №68.

<sup>34</sup> Нызанов М. Жақында қызык болады. (Сатиралық гүрринлер топلامы). – Ташкент: Ёзувчи, 1999. – Б. 5.

<sup>35</sup> Ўша манба. – Б. 43.

<sup>36</sup> Ўша манба. – Б. 5.

<sup>37</sup> Есебаев Д. Тышқан тесиги мың теңге. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2014. – Б. 49.

келиши билан бўлган жараён, ҳаракатлар орқали тушунтирилиш ҳисобланади. Бундай тасвирлашлар ҳикоя жанрининг имкониятларини турли-туман йўналишларда кенгайтириб бориши ёки ўзига хослигини такомиллаштириб бориши табиий. «Бундай усулларнинг (ретроспектив сюжетнинг) ҳикоя жанрининг қисқа эпизодли, мазмунли, ихчам хусусиятларига зарар келтиради, шунинг учун ҳам кўп сўзлилиқ, узоқ суҳбат, воқеаларнинг чўзилиб кетиши, унинг жанр хусусиятига, бадиийлигига таъсир қилади,-деб тортишади, ҳикоянинг мазмуни, ҳажми чекланган бўлиши, ўн икки - ўн уч бетдан ошмаслиги кераклигини талаб этади.<sup>38</sup>

Ишда А.Абдиевнинг «Соқов гаранг», «Репетитор», И.Ўтеўлиевнинг «Тузоқ»<sup>39</sup>, А.Атажановнинг «Қуюн», «Одам кўнглининг...», Ў.Ембергеновнинг «Турмуш деган...» каби ҳикоялар мисолида ретроспектив сюжетда берилган воқеаларнинг бирдан тасвирланиши, ёки инсон тақдиридаги психологик бурилишлар, унинг ички оламидаги ўзгаришларнинг юзага келиши билан бўлган жараён, ҳаракатлар орқали акс этиши таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «Истиқлол даври қорақалпоқ ҳикояларининг бадиий-услубий хусусиятлари» деб номланади. Унинг биринчи бўлимида «**Ҳикояларда муаллиф ва ҳикоячи образи**» ҳақида сўз юритилади.

Қорақалпоқ ҳикояларининг ривожланишида асосий сюжет мазмунни қизиқарли ҳодисаларни маҳорат билан ҳикоя қилиб берадиган ҳикоячи образи алоҳида кўзга ташланади. Бу баъзан муаллиф бўлиб, баъзан алоҳида ҳикоячи бир қария бўлиб, баъзан ёзувчининг моҳирлигига хос ҳикоячи она ёки гўзал келинчақ, гўзал қиз, жабрланган аёл, ёки ёш йигит, азобланган норасида бўлиб, чуқур ҳаётий ҳодисаларни ёритиб, кўз олдимизда гавдалантиради. Булар қорақалпоқ ҳикоячилигида қадимдан келаётган анъанавий тасвирлашнинг бир кўринишини белгилайди.

Ҳикоячи образи – бадиий асарда воқеаларни ҳикоя этувчи махсус шахс. «Ҳикоя жанрининг ўзига хослиги, сюжет характерида, муаллиф сўзида, ҳикоячи тилида, бадиий деталларда акс эттирилади.»<sup>40</sup>

Адабиётшунослиқда ҳикоячи тушунчаси бадиий асар таҳлилида муҳим ўринни эгаллайди. Чунки қайси шахс томонидан айтилмасин, ҳаётий воқеаларни эстетик жиҳатдан баҳолашда ҳикоячи ва ижодкор позицияси бири-бирига жуда яқин келади ва ва бирлашиб кетади. Умуман олганда, бадиий асарни икки хил: 1) Махсус ҳикоячининг баён қилиш асосида. Бунда ҳикоячи персонаждан бўлиши мумкин. Айрим ҳикоячи асар воқеаларида қатнашмайдиган, бироқ у ёки бу тарихини билувчи ва ҳикоя қилиб берувчи шахс сифатида ҳам гавдаланади. 2) Асар воқеалари нейтрал шаклда тасвирланади. Бундай ҳолатда баён этиш номаълум бир одамнинг гаплари

<sup>38</sup> Қарангиз: Уйғониш тараддуди (ҳикоя ҳақида баҳс) / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –Тошкент, 1992, 18 сентябрь.

<sup>39</sup> Жамоатлик муаллифлар. Қус жолы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1989. – Б. 225-234.

<sup>40</sup> Соيفер М.И. Мастерство Шолохова. – Ташкент: Литература и искусство им. Г.Гуляма, 1976. – С. 300.



асосида олиб борилади.<sup>41</sup> Шунингдек «муаллиф ҳикоячини ўзининг таниши, тасодифан учрашган таниши, нотаниш одам, ушбу воқеани бошқа бировдан эшитган, ўзи биладиган сирни узоқ йиллар сақлаб келган гувоҳ, муаллифни «яхши» ёки «ёмон одам» этиб кўрсатувчи йилномачи, стенограф, хроникер, ном кўшувчи ва ҳ.к. қила олади.»<sup>42</sup> А.Атажановнинг «Кийиклар», «Терак бошида тунаган тун», «Ёмон саёҳат», «Ой мўралайди», «Қуюн» ҳ.к. ҳикояларида муаллиф ва ҳикоячи образи моҳирлик билан кўзга ташланиб, бунда муаллиф чуқур лиризм, ички туғён, тўлғанишлар ва ҳатти-ҳаракатлар, ҳар хил психологик ҳолат, психологизмни бериш орқали турмуш ҳодисаларини очик-ойдин юзага чиқаради. Г.Есемуратованинг «Ҳангомадан хангома туғилиб...», «Она кўнгли», «Мен учун ҳали боласан» ҳикояларида муаллиф четдан кузатиб, воқеа-ҳодисаларни туташтирувчи, тушунтирувчигина бўлиб кўзга кўринса, ҳикоя қилувчи образи қариб қолган, кўпни кўрган она, бахтли қайнона, фарзанд деб жонини жабборга берган она образларида асосий воқеаларни баён қилади ва хулоса чиқаради. «Қорамушукнинг лойсанги»<sup>43</sup> ҳикоясида ҳикоячининг ролини муаллифнинг ўз бажаради. А.Абдиевнинг «Биз бахтли бўламиз»<sup>44</sup>, «Қизил қўшантай»<sup>45</sup> ҳикоялар тўпламларидаги барча асарларида ҳам муаллиф ва ҳикоячи образи аниқ етук, тажрибага эга одам сифатида ишонарли ва қизиқарли тарзда яратилади. Ёзувчининг «Оққуш» ҳикоясида ит образини аниқ тасвирлаб етказишдаги муаллиф образи, унинг воқеаларни тушунтириш усули, «Чақмоқланган тарвузлар» ҳикоясида ҳикояси образининг кичкина бола тилида, унинг психологиясини кенг ёритиб бериш билан эркин образга кириши, боланинг барча ички дунёсини, маънавий ҳолатини очиб бра олган.

Истиқлол даври қорақалпоқ ҳикояларида муаллиф ва ҳикоячи образи орқали инсоннинг ички дунёси, маънавий ҳолатини маҳорат билан очиб беришда асосий вазифани бажаради.

